

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 15-oktabr, chorshanba № 82 (15824)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM KARIMOVNING MUSTAQIL DAVLATLAR XAMDUSTLIGI DAVLAT RAHBARLARI KENGASHINING MAJLISIDAGI NUTQI

Мухтарам раис!
Хурматли давлат раҳбарлари!
МДХ давлат раҳбарларини қутлаш, Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога меҳмондўстлик учун самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Урашувимиз, бу ерда таъкидланганидек, халқаро вазият шиддат билан ўзгараётган, геосиёсий кескинлик ва сиёсий қарама-қаршиликлар авж олаётган, қачон тугаши ёки пасайиши номаълум бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган, диний фанатизм радикаллашаётган ва фаоллашаётган, яқин ва узоқ мамлакатларда зиддиятли вазиятлар кескинлашиб бораётган бир шароитда ўтмоқда.

Кенг тарқалаётган зўравонлик, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг реал таҳдидлари кучайиб, айрим мамлакатлардаги вазиятни ўта чигаллаштириб, юзага келган қарама-қаршиликларни хунрезликка айлантириётган ва ўзини назорат қила олмай қолган баъзи сиёсатчи ва сиёсатдонларнинг, айниқса, телеканаллар орқали агрессив даъватлар билан чиқаётгани бизни ташвишга солмай қўймайди, албатта.

Юзага келаётган таҳликали вазиятни тўғри баҳоламаслик қандай фожиали оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Масалан, Афғонистонда қарийб 35 йилдан буён давом этаётган биродаркушлик уруши миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлди, яна миллионлаб инсонларни қочқинга айлантирди. Мамлакат иқтисодиётини буткул издан чиқариб, вайронагарчиликка олиб келди. Бугун шундай бир авлод вояга етдики, улар қурол тутиш ва ундан фойдаланишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Бу мамлакатни босиб олиш осон эмаслиги азалдан маълум эди. Бунга Афғонистон тарихидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Биз, ҳаммамиз бу мисолларни яхши биламиз ва шунга қатъий ишонамизки, Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакилларида иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

Биз Афғонистоннинг яқин қўшниси сифатида бугун қатъий ишонамизки, ушбу мамлакатда бир-бирига қарши курашаётган барча асосий этник-диний сиёсий кучлар вакилларида иборат янги ҳукумат қанчалик тез шакллантирилса, бу беқарорликка, қашшоқликка барҳам бериш, издан чиққан иқтисодиётни қайта тиклаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш учун йўл очиб беради.

(Давоми 2-саҳифада)

Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Бугун мамлакатимизда 842 минг нафар қиз спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда эришаётган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Хусусан, яқинда Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осиё ўйинлари ўзбекистонлик спортчи қизлар салоҳиятини яққол кўрсатиб берди. Ўзбекистон бадиий гимнастика терма жамоаси, енгил атлетика, таэквондо каби спорт турлари бўйича қизларимиз юксак галабаларга эришди.



Маррани баланг олган қиз

Шахмат бўйича қатор нуфузли мусобақалар ғолиб ва совриндори, ўзбекистонлик хотин-қизлар ичида биринчи халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова, умидли шахматчилардан Сарвиноз Устурбоноева, теннис усталари Оқгул Омонмуродова,

Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова номлари ҳам бугун жаҳон спорт жамоатчилигига яхши таниш.

Таэквондонинг ITF йўналиши бўйича тўққиз карра Ўзбекистон чемпиони, икки карра Осиё чемпиони, Зулфия номидаги Давлат мукофоти

соҳибаси Дилбар Холжигитова ҳам юртимиз шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилиб келаётган спортчи қизлардан. У билан суҳбатимиз, умид қиламизки, сизни бефарқ қолдирмайди.

(Давоми 5-саҳифада)



ЁШ САЙЛОВЧИГА!

Хурматли сайловчи!
Ҳар бир киши учун вояга етганлик даври – бу ҳаётини тамойилларни шакллантириш, куч-қувват ва янгилликларга интилиш вақти. Шу билан бирга бу ҳаётини йўлнинг янги босқичи ҳам. Бунда ўқиш, яшаш, ўз нуқтаи назарларини катталарнинг «қўмагисиз» ҳимоя қилиш, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни ҳис этиш лозим бўлади.

Мураққабми?
Албатта! Лекин айнан шу тарзда ҳақиқий инсон шаклланиши мумкин. У ўз муаммоларини бошқалар зиммасига юкламайди, балки ўзи уларни ҳал қилишга интилади.

Бундан ташқари балоғат ёши – бу ёшларнинг ҳар бир вакили жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритиш имконини берадиган ёш. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан 18 ёшга тўлган фуқаро давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқига, яъни актив сайлов ҳуқуқига эга бўлади. Кейинчалик, 21 ёшга тўлганда ушбу ҳуқуққа сайланиш ҳуқуқи, яъни 21 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлади.

(Давоми 2-саҳифада)

«Осиё о'yinlari — 2014»

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

2014 йилнинг 19 сентябрь — 4 октябрь кунлари Жанубий Кореянинг Инчئون шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални, жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда жами 12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медални қўлга киритиб, Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтиришга, халқимизнинг қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2014 йил 8 октябрдаги фармойишига мувофиқ Осиё ўйинларининг ғолиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрати» музейида XVII Осиё ўйинлари ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросимда мукофотлар

ўз эгаларига топширилди.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ва озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, ушиб келаётган ёш авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди. Қўлга

киритаётган улкан ютуқ ва марраларимиз халқимизнинг гурурифтхорини юксалтирмоқда.

Мамлакатимизда навқирон авлодни баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, аҳоли, айниқса, болалар ва хотин-қизларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олишга қодир спортчиларни тарбиялашга қаратилган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.

Бугун юртимизнинг барча ҳудудида барпо этилган замонавий спорт мажмуалари, сув спорти саройлари минглаб ўғил-қизларнинг сеvimли масканига айланган. Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган таълим соҳасидаги уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», Универсиада мусобақалари спортсевар ёшларимизнинг орзуларини рўйбга чиқарадиган, пировардида ҳаёт йўлини белгилаб берадиган чинакам ҳаёт мактабига айланди.

(Давоми 6-саҳифада)



«Камалак» юлдузлари — иқтидорлар парвози



Санъатимизнинг Европадаги намоиши

«Kamolot» loyihalari



«КАМАЛАК» ЮЛДУЗЛАРИ — иқтидорлар парвози

Шу кунларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган «Камалак» юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Бу ҳақда муҳбирларимиз жойлардан хабар беради.

НАВОЙИ ВИЛОЯТИдаги «Ёшлар маркази»да «Камалак юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ўғил-қизларининг иқтидор ва истеъдодини қўллаб-қувватлаш учун яратилаётган шароит ва имкониятлар, имтиёз ва рағбатлар ҳақида тўхталиб, иштирокчиларга истеъдодлар беллашувида омад тилади. Ўтган йил мазкур фестивалнинг шаҳар ва туман босқичларида икки ярим минг нафарга яқин ўғил-қиз қатнашган бўлса, жо-

рий йилда уларнинг сафи тўрт минг нафарга яқинлашди. Шундан 426 нафари танловнинг вилоят босқичида қатнашиб, «Классика», «Вокал», «Миллий чолғу», «Рақс», «Тасвирий ва амалий санъат» ҳамда «Наср ва назм» йўналишларида ўз иқтидорини намойён этди.

— Мазкур фестиваль биз, ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир амалий исботидир. Истеъдодни эъзозламоқ, уни юксалтирмоқ шарафли вазифа. Танловда тенгдошларимнинг ижодий ишларини кузатиб, уларни етук санъат асарларидан асло қолиш-

маслигига гувоҳ бўлдим. Мана шундай танловлар мен каби ҳаваскор ёшларнинг ижодий ишларини кенг оммага таништиришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди танловнинг «Тасвирий ва амалий санъат» йўналиши иштирокчиси Хадича Облоқулова.

Танлов қатнашчиларидан яна бири, нуроталик саккиз ёшли Умид Истамовдир. У кулолчилик бўйича ўз имкониятини синаб кўрди.

— Мазкур фестиваль нафақат истеъдодлар беллашуви, балки тажриба алмашиш майдони ҳам бўлмоқда, — дейди Умид Истамов. — Бу ерда кўплаб дўстлар ортттирдим. Келгусида бир-биридан бетакор махсулотларим билан миллий хунармандчилигимизни дунёга ёймоқчиман.

Танловнинг якуний натижаларига кўра, Нурота туманининг «Нафосат», Зарафшон шаҳрининг «Барчиной», Навойи шаҳрининг «Ширин» ва «Садо» ансамбллари, Навбахор туманининг «Истиклол ғунчалари» жамоаси ҳамда йигирма нафар ўғил-қиз ўз йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритди. Уларга ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Энди улар «Камалак» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида иштирок этади.

Танлов кичкинтойлар иштирокидаги ажойиб гала концерт дастурига улашиб кетди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ Олмалиқ шаҳрида тўққиз юз нафарга яқин иқтидор эгаси иштирокида «Камалак» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи кўтаринки кайфиятда, қизгин беллашувларга бой тарзда ўтди. Гап шундаки, танловда қат-

нашаётган ҳар бир ўғил-қиз иқтидорли, ўз йўналиши бўйича тажриба ва маҳоратга эга. Энди шундай имкониятларга эга ёшларнинг ўзаро беллашувини тасаввур қилаверинг!

Ҳакамлар ҳайъати учун сараланган иқтидор соҳиблари орасидан яна сараларини аниқлаш, «Камалак» юлдузлари»ни кашф этиш осон бўлмади. Чунки фестиваль иштирокчилари бир-биридан истеъдодли. Гарчи шундай бўлса-да, улар ижодий ишлар, бадий чиқишларига қараб баҳоланди.

— Мазкур танловда «Ватаним» кўшиғини қуйладим, — дейди Зангиота туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Мухайё Турсунова. — Бу ерда қуйланган ҳар бир кўшиқ таърифи юракларга етиб боряпти. Қобилият ва имкониятимизни юзага чиқаришга кўмаклашаётган барча ташкилотчиларга миннатдорлик билдираман. Улкан мақсадларни кўзлаб интиляётган дўстларимга эса омад тилайман.

Фестиваль сўнггида иштирокчилар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Унда ёшлар турли чолғу асбобларини чалди, кўшиқ айтиб, рақсга ҳам тушди, таъсирли шеърлар ўқилиб, ранглар дунёси ижодкорлари — бўлажак рассомлар турли мавзуларда расмлар чизди, ёш хунармандлар эса ажойиб санъат асарларини яратди.

Ва, ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар ҳам етиб келди. Омад ўзига ишонган, қобилиятли, интеллектуал салоҳияти юқори ёшларга кулиб боқди. «Камалак» юлдузлари»нинг мамлакат босқичига йўлланма олганларга диплом, эсдалик совғалар топширилди.

Отабек АСЛОНОВ,
Кумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбирлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш марказининг адвокатлар гуруҳидан иборат тингловчилари ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчи ва талабалари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирни Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов очди.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси

Тадбирда Миллий марказ фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари, ахборот-ресурс маркази фаолияти, маърузалар тайёрланиш жараёни, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик ва фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича афрофлича маълумот берилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 19 февралда қабул қилинган «Соғлом бола йили Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, хусусан, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш учун қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бу борада қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган янги қоида ва меъёрларни ишлаб чиқиш, соғлом болани шакллантиришда таълим-тарбия тизимининг ролини кучайтиришга йўналтирилган кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбир доирасида Миллий марказ ва БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда рус тилида чоп этилган «БМТнинг бола ҳуқуқларига оид халқаро ҳужжатлар тўплами»нинг тақдими бўлиб ўтди.

Мазкур тўплам 1989 йилнинг 20 ноябрида БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Конвенциянинг уч факультатив протоколининг ҳамда БМТ Бола ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг умумий таклифларини ўз ичига олган.

Тадбирда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари масалалари бўйича ахборот базасини яратиш, адабиётлар чоп этиш каби вазифаларни, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш фаолиятининг мазмунини янада чуқурроқ англаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Учрашув якунида тингловчиларга Марказ томонидан нашр қилинган китоблар тақдим этилди.

Жавлонбек АБДАЛНИЯЗОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси Миллий
маркази Ахборот-ҳуқуқ
бўлимининг етакчи мутахассиси



Madaniyat

Санъатимизнинг Европадаги намоёиши

Афинада Ўзбекистон маданияти ҳафталиги бўлиб ўтди. Фестивалнинг очилиш маросими ўзбек ва грек халқларининг миллий қадриятлари ҳамоҳанглигида ташкил этилди.

Маданият ҳафталиги доирасида Прянон концерт залида ёш санъаткорларимизнинг бадиий чиқиши намоёиш этилди. Делегация сафида Успенский номидаги республика ихтисослашган академик лицейи анъанавий мусиқа ва ижрочилик йўналишининг «Мерос» ансамбли ўқувчилари ҳам бор эди. Муроджон Алиев (доира), Шамшод Исаев (ғижжак) ва Жавоҳир Исмоилов (чанг) каби созандаларнинг ижроси фестивалга кўтаринки кайфият бахш этди. Ёш санъаткорларимиз репер-

туаридан жой олган фольклор йўналишидаги куйқўшиқлар мезбонларда илиқ таассурот қолдирди. — Азалдан Шарқ халқлари мусиқасига қизиқишим юксак. Бугун ўзбек мусиқаси, ижрочилик йўли мени яна бир карра ўзига ром қилди, — дейди фестивал президенти Ксенофон Ламбракис. — «Мустазод» ва «Отмагай тонг» каби кўшиқлардан ҳақиқий ўзбек оҳанг ва услуб уфуриб турибди. Ёшларнинг фестивалга пухта тайёргарлик кўргани уларнинг ижросида яққол намоён бўлди.



Бизни қувонтирган жиҳати шуки, созандалар нафақат ўз миллий мусиқасини, балки жаҳон мусиқаси дурдоналарини ҳам пухта ўзлаштирган. Бунга мисол қилиб фортепиано, рубоб прима созлари уйғунлигидаги туркум асарларни келтириш мумкин.

Муроджон Алиев томонидан доира, ноғора ва қайроқ орқали ижро этилган усуллар ўзининг ритмик кетма-кетлиги, жадаллиги билан эътироф этилди. Ёшларимиз ўзларининг чиқиши орқали ўзбек санъатини, умуман, Осиё мусиқаси жозибасининг нақадар тақдорланмас ва мукамал эканлигини исботлади. Шу ўринда бир мулоҳаза. Ҳозирда ўзбек санъаткорлари истаган халқнинг кўшиги ва куйларини (та-

лаффузини ҳам ўзлаштирган ҳолда) мукамал ижро эта олади. Лекин ҳеч бир халқ вакили ўзбек миллий кўшиқларини маромига етказиб ижро эта олмайди. Бу ҳам санъатимизнинг нақадар юксак нуфузга эга эканидан далолат беради.

Ҳафталик якунида кўҳна Юнонистон бўйлаб саёҳат уюштирилди. Ёшларимиз Грециянинг машҳур Акропол тегалиги, музейлар, мамлакат парламенти каби иншоотлар билан танишди. Афинадан олти километр узоқликдаги Эгей денгизини бориб кўрди. Ҳафталик ёш санъаткорларимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди.

**Фаррухбек
АБДУХАМИДОВ,
ЎЗМУ талабаси**

Республика Байналминал маданият марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика қозоқ миллий маданият ва Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек маданият маркази ҳамда «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди билан ҳамкорликда «Ватан мадҳин куйлар шоирлар» шиори остида «Биз бир халқимиз» деб номланган фестиваль ўтказилди.

Дўстлик таронаси

Ушбу фестивалда Мирпўлат Мирзаев, Носир Фозилов, Умарали Норматов, Худойберди Тўхтабоев ва Насриддин Муҳаммадиев сингари таниқли адабиётшунос олим ва ёзувчилар, ўзбек ва қозоқ халқларининг етук шоир ва адиблари билан биргаликда умидли ижодкорлар ҳам иштирок этди. Тадбир давомида «Дўстлик таронаси» мушоираси, икки халқ маданиятига бағишланган бадиий чиқишлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

— Ўзбек ва қозоқ азалдан қардош халқлар ҳисобланади, — дейди Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек маданият маркази раиси Икромжон Ҳошимжонов. — Жанубий Қозоғистон вилоятидаги ўзбек маданият маркази 1989 йилдан буён фаолият юритмоқда. Бу тадбир элларимиз ўртасидаги дўстликнинг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, аввало, икки миллат маданияти, тарихининг бир-бирига яқинлиги тўғрисидаги фикрларини билдирди. Сўнгра тадбир қатнашчилари ўртасида шеърхонлик давом этди. Шоирлар Ватан, она, табиат, муҳаббат, дўстлик сингари мавзуларда ўз ижод намуналаридан ўқиди.

Фестиваль сўнгида икки миллат ижодкорлари келгусида бундай тадбирларни тез-тез ўтказишга келишиб олди.

**Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗДЖТУ талабаси**



Tashabbus

Ўтақчи қуёнчилик фермасини ташкил этди

Сўқунатдан зериккан ҳайдовчи радио мурватини буради. Радиога Қўшқўпир агросаноат касб-ҳунар коллежида ташкил этилган қуёнхона ҳақидаги эшийтириши берилмаётгани.

— Шу матоҳни кашф этган одамнинг отасига минг раҳмат! — деди ҳайдовчи йўлдан кўзини узмай. — Агар радио бўлмаганда машинада мана бу тадбиркор, уздабурон хоразмлик йигит гапирмасди, Озодбек қўшиқ айтмасди.

Амакининг самимий гапларига қулдим: — Тўғри.

— Ана, эшитдингизми? — у киши машинани йўл четидан тўхтатди. — Бешта қуён 175тага кўпайибди...

Мени Хоразмга, яъни қуёнхонаси бор Қўшқўпир агросаноат касб-ҳунар коллежиге етаклаган бу воқеага кўп бўлмади. Мана, ҳозир коллеж-

да ташкил этилган қуёнхонани ўз кўзим билан кўриб, шуларни бирма-бир эслаяпман.

Сариқ, оқ, қора рангдаги қуёнлар хонанинг у ёғидан, бу ёғига чопқилаб ўйнапти. Капалакгул номли қуён икки кун олдин туғилган болаларини бағрига босганча, мудрапти. Қолганлари эса ўт еяпти...

Кўз ўнгимдаги ажойиб манзарага маҳлиё бўлиб, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўшқўпир агросаноат касб-ҳунар коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Фурқат Рўзметовнинг ёнимга келганини ҳам сезмай қолибман.

— Қуёнларингиз жуда кўп

эканку, — дедим ҳайратимни яширмай. — Бир-бирига жуда ўхшар экан-а? Уларни қандай ажратасиз?

— Ҳар бир қуёнга исми қўйганмиз, — дейди Фурқат жилмайганча. — Масалан, қўлингиздаги қуёнчанинг номи Юлдуз. Мана буники Булут. Уларни биз осон ажратамиз.

Қуёнхонада жониворлар учун яратилган шароитлар билан танишдик. Бу ерда қуёнларнинг парвариши учун барча имкониятлар мужассам.

— Дўстимнинг тўртта қуёни бор эди, — дея қуёнчиликка қизиққан дамларини эслади Фурқат. — Етти ойдан кейин кўрсам, қуёнлар етмишта бўлибди. Уларнинг бунчалик тез кўпайишини билмасдим. Шунда коллежда қуёнхона ташкил этиш фикри хаёлимдан ўтди-ю, «Камолот» фаоллари билан «Қуёнчилик» мини фермаси лойиҳасини ишлаб чиқдик. Коллежimiz директори Улуғбек Рўзметов бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлади ва қуёнлар учун алоҳида ер ажратиб берди.

— Ушанда бу лойиҳа истиқболга ишонмаганлар ҳам бўлгандир-а, Фурқат?

— Бўлган. Айримлар «Ажойиб хаёлпараст» экансан-ку, дейишди. Аммо бу гап-сўзлар бизни мақсадимиздан қайта-

ра олмади. Аксинча, мини ферма фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун ҳаракатимизни тезлаштирди.

Шу пайт «шалпон кулоқ» болалаяпти, деган хабар келди-ю, Фурқат билан қуёнхонага ошиқдик. Боргунимизча қуёнлар сони яна тўрттага кўпайибди.

— Қуёнларимиз йилига 3-4 марта кўпаяди, — дея тунтириди бошланғич ташкилот етакчиси Фурқат Рўзметов. — Ҳаш-паш дегунча улар икки ойда катта бўлиб қолади. Агар жониворларга ўз вақтида озуқа берилса, тез ўсади. Унинг гўшти эса жуда ширин, тўйимли, асосийси, соғлиқ учун фойдали. У қондаги захарли моддаларни ҳайдаб чиқаради.

Шу пайт бозорга қуён сотгани кетган коллеж ўқувчиси Иброҳим жониворларга кепак кўтариб келди. У битта қуённи ўттиз минг сўмга сотибди.

— Қуёнлар асосан кепак ва ўт билан озиқланади, — дея изоҳлади Фурқат. — Шунинг учун қуёнларни сотиб, ўрнига озуқа оламиз.

2012 йилда «Энг намунали бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловида ғолиб бўлган Қўшқўпир агросаноат касб-ҳунар коллежи бошлан-



ғич ташкилотининг ушбу хайрли ишидан қувондим. Ва уларнинг келгуси режалари билан қизиқдим.

— Ҳозирда «Велосипед» лойиҳасини амалга оширяпмиз, — дейди Фурқат Рўзметов. — Яъни қуёнларни сотишдан тушган маблағга ўқишга узоқдан қатнайдиغان ва дарсларни яхши ўзлаштираётган ўқувчиларга велосипед олиб берамиз. Бу рағбат эса бошқаларни ҳам яхши ўқишга ундайди. Келгусида қуёнларнинг терисидан қўлқоп ва бош кийимлар тикадиган машина сотиб олиш ниятимиз ҳам бор.

Биз ҳам қайтишда қуён гўшtidан тайёрланган шўрвадан мазза қилиб ичдик.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА,
«Turkiston» муҳбири**



Zulfiya nomidagi Davlat mukofoti sovrindorlari

Маррани баланд олган қиз

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

— Одатда кўпчилик қизлар санъат, адабиёт ёки педагогикага қизиқади. Сиз спортга, унинг жангавар турларидан саналмиш таэквондога қай тариқа меҳр қўйганингиз биз учун қизиқ...

— Бу саволингиз кўпчиликини қизиқтиради, очиғи, гоҳида ўзим ҳам нега айнан таэквондони танлаганимга ҳайрон бўламан. Шахмат, энгил атлетика, сузиш ёки бадий гимнастикани ҳам танлашим мумкин эди-ку! Ҳазил, албатта.

Таэквондога қизиқишим оиламиздаги муҳит туфайли пайдо бўлган. Акам таэквондочи. Болалиқда айнан унга тақлидан шу спорт тури билан шуғуллана бошлаганман. Аввалига шунчаки, унга қўшилиб югурардим, машқ қилардим. Бора-бора бу ҳавас жиддий мақсадга айланишини ўйламаганман ҳам. Бир куни акам билан уч соат машқ қилдим. Буни кўрган отам: «Қизим, сени ҳам спорт клубига олиб борайми?» деб сўраб қолди. Ўша савол келажакимни ҳал этди. Мени таэквондо мураббийи Азиза Каримқулова ҳузурига олиб борди. Шу тариқа Азиза опанинг кўлида профессионал тарзда шуғуллана бошладим.

— Авваллари кўпчилик оилаларда қизларнинг спорт у ёқда турсин, ҳатто оддий жисмоний тарбия билан шуғулланишига ҳам қаршилик қилишарди. Қиз бола тикиш-бичиш, овқат пиширишни эпласа, бас, у спортчи бўлиб дунё олиб берармиди, дейишарди. Сизнинг оилангиз мисолида кўраямизки, бугун ҳолат бутунлай бошқача...

— Албатта. Бугун биз, қизлар ўзимиз хоҳлаган соҳада таълим олишимиз, исталган спорт тури билан шуғулланишимиз учун юртимизда барча имкониятлар муҳайё. Оиламизда, айтиб ўтганимдек, спортни қадрлашади. Ўзим етти ёшимдан шуғулланиб келаман. Отам ва акаларим спортчи бўлгани учунгина мен шу соҳани танлаганим йўқ. Чунки оиламиздагилар менга танлаш имкониятини берган: мен ўзим истаган касб ёки соҳани танлашим мумкин эди. Бундай ажойиб муҳит туфайли мен ўз имкониятларимни бир қанча соҳаларда синаб кўраяман. Спорт билан бирга ўқиш-изланишдан ҳам тўхтаб қолганим йўқ.

— Биргина хоҳиш билан юксак натижаларга эришиш қийин. Кўнгилдагидек

шуғулланиш учун етарли шароит ҳам, малакали мураббий ҳам талаб этилади. Сиз Сирдарё вилоятидан сиз. У ерда спортга бўлган эътибор ва яратилган шарт-шароитлар қай даражада?

— Тўғри айтдингиз, «қарс икки қўлдан чиқади», деганларидек, хоҳиш бўлса-ю, шароит, тажрибали устоз бўлмаса, бирор нарсага эришолмайсиз. Мамлакатимизда спортга бўлган эътибор юксак даражада десам, янглишмайман. Вилоятимиз мисолида олиб қарайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида қатор замонавий спорт иншоотлари, жумладан, стадионлар, теннис кортлари, сузиш ҳавзалари қурилди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, ҳар бир лицей ва касб-хунар коллежларида спорт тўғрари ташкил этилган. Буларнинг барчаси биз, ёшларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишимизга хизмат қиладди. Ҳозирда юздан ортиқ биринчи даражали спорт устаси ва халқаро тоифадаги мураббийлар спортнинг ўттиздан ортиқ туридан сабоқ бериб келяпти. Вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси Соғлиқни сақлаш бозорлари билан ҳамкорликда спортчиларни мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиш, вилоят терма жамоаларини ҳар бир мусобақага жўнатиш олдидан ва мусобақалардан сўнг тикланиш тавсияларини бериш бўйича зарур ишлар олиб боради. Илк бор ўн беш ёшимда мамлакат чемпиони бўлдим. 2011 йилда, яъни ўн олти ёшимда эса Ўзбекистон миллий терма жамоасига қабул қилиндим. Ўша йили Қозоғистоннинг Тарас шаҳрида бўлиб ўтган XIII Осиё чемпионатида йўлланма олдик. У ерда бир эмас, иккита кумуш медаль соҳиббаси бўлиб, ўн беш ёшимда Осиё чемпиони бўлдим.

— Таэквондо бўйича тўққиз марта Ўзбекистон чемпиони бўлиш ва ҳар йили шохсупанинг юқори поғонасини эгаллаш кичкина ютуқ эмас. Унга эришишингизда сизга кимлар кўмакдош бўлди?

— Биринчи навбатда ота-онам. Улар мени ҳамиша қўллаб-қувватлаган. Агар оилангиздагилар сизни тушунмаса, имконият яратиб бермаса, ҳеч қандай мураббий сизни чемпион қилиб тарбиялай олмайди. Умуман олганда, ҳар бир ютуқ замирида ота-онам, яқинларим, устозларимнинг хизматлари катта. Хусусан, Азиза Каримқулова, Ихтиёр Қўчқоров, Рустам Ҳамроев каби мураббий-

ларимдан бир умр қарздорман. Спортчиларда шундай гап бор: машқда қийин бўлса, жанг осон кечади. Ана шунга амал қилган ҳолда устозларимнинг кўрсатмасига биноан, қизлар билан эмас, асосан ўғил болалар билан татамига чиқиб, машқ қилардим. Машғулотда спарринг-рақиб сифатида ўзимдан кучлиларни танлаганим мусобақаларда қўл келарди. Шунинг учун беллашувларда қийинчиликларга учрамаганман.

— Ҳозир спортчи ёшлар учун нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиш бир замонлардагидек ушалмас орзу эмас, аксинча, одатий ҳолга айланди. Мустақиллигимиз шарофати билан чет давлатларда бўлиб, ўз маҳоратингизни намойён этиб келясиз. Шундай вақтларда қалбингизда қандай туйғулар кечади?

— Шу ўринда бир қизиқ воқеа эсимга тушади. 2012 йилда Эстония давлатига жаҳон чемпионатида борганимизда бошқа давлатлардан келган рақибларимиз бу ерда қандай келдингиз, ўзингизнинг ҳисобингизданми ёки ҳоми топдингизми, деб сўради. Бу саволдан аввалига ҳайрон бўлгандик. Сухбат чоғида билдикки, улар Эстонияга автобусларда ўз ҳисобидан келган экан. Бизни эса давлатимиз юборган, мусобақага тайёргарлик кўришимиз учун барча шароитларни яратиб берган эди. Хорижга автобусда эмас, самолётда бориб келганмик. Бу бир қараганда оддий ҳолатга ўхшайди, лекин шунга гувоҳ бўлдикки, спортчиларга бизнинг давлатимизчилик ғамхўрлик кўрсатадиган давлат йўқ экан! Биз ёшлар мана шундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан фақат ва фақат юқори марраларни забт этишимиз керак.

— Зулфия номидаги Давлат мукофоти соvrиндорисиз. Бу юксак мукофот эгаси бўлиш, албатта, ҳар бир кишига масъулия юклайди.

— «Туркстон» саройида кўксимга бу нишон тақилганида, шу пайтгача олган элликта медалим бир томон-у, бу юксак мукофот бир томон бўлди, десам муболаға эмас. Шу онларда онамдан кўзларимни ўзолмасдим. Унинг қувонч ёшларини кўриб, ўзимнинг ҳам кўзларимда ёш қалқди. Чиндан ҳам Юртбошимизнинг шундай эътиборига сазовор бўлиш қанчалик фахрли бўлса, шунчалик масъулияти ҳам бор. Чемпион бўлишдан кўра чемпионликни сақлаб қолиш қийин, дейди мураб-



бийларимиз. Мазкур мукофотга лойиқ топилиш ва бу мукофот масъулиятини ҳис қилиш, ишонччи оқлаш ундан-да шарафлидир.

— Спортдан ташқари яна нималарга қизиқасиз?

— Ўқувчилигимданок спорт билан бирга журналистикага ҳам жуда қизиққанман. Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейда «Ёш телерадиочилар» клубини ташкил қилганмик. Унда журналистикага қизиқувчи ўқувчилар билан бу соҳани ҳам ўргана бошладик. Сирдарё вилояти телерадиокомпаниясида жамоатчи муҳбир сифатида ҳам фаолият юритганман. «Болалар вақти» деган кўрсатув бўларди, унда спорт ҳақида лавҳалар тайёрлашга ёрдам берардим. Бундан ташқари, вилоятимиздаги «Сирдарё ҳақиқати», «Маърифат чашмаси», «Сайхун зиёси», «Давр ёшлари» каби газеталарда жамоатчи муҳбир сифатида хабар ва лавҳа, мақолаларим билан қатнашиб турардим. Шу билан бирга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилояти кенгашининг «Ёш тарғиботчилар» гуруҳи сардори вазифасида ишладим. Адабиётга ҳам қизиқишим банд.

Ҳаётда отам сунянчим, онам маслақдошимдир. Бадий ижодга бўлган меҳрим онамдан ўтган. Ҳозирда чет тилларини мукамал ўрганишга ҳаракат қиляпман. Менимча, ҳар бир инсон ҳеч бўлмаганда иккита чет тилини билиши керак. Айтадилар-ку, «тил билган эл билади». Айниқса, чет тилини билиш халқаро мусобақаларда асқотади. Илк бора ўн беш ёшимда Қозоғистонга мусобақага борганимизда мендан Ўзбекистонда яшаётганимдан хурсандман деб айтгин, дейишди. Ушанда инглиз тилини ўрганаётганим асқотиб, «I am very happy as a girl of Uzbek generation and to live in

Uzbekiston», дея жавоб берганмик. Бундай ҳодиса Эстонияга борганимда ҳам юз берди. Чунки биз татамига чиқишдан олдин ҳакам билан суҳбат қилганмик. Уларга юртимиз ҳақида маълумотлар беролганимдан хурсанд бўлганмик.

— Ҳозирда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг иккинчи босқичида таҳсил олясиз. Ўқиш билан бирга спорт машғулларини олиб бориш қийинчилик туғдирмайди?

— Бир нарсани ишонч билан айтаманки, ҳар бир инсонда ҳаракат ва мақсад бўлиши керак. Шунда ҳаммасига улгурасиз. Лекин асосий эътиборимни ҳозирда тил ўрганишга қаратяпман. Бу ўқиш, ёзиш, эшитиш ва таржимани биргаликда олиб борган ҳолда ўрганишни талаб этади. Ҳаётда ўз шиорим бор: «Ўқи, излан ҳар дам, орқага қўйма қадам». Қайси соҳада бўлмасин, ҳар доим шу шиорга амал қиламан.

— Келажакдаги орзуларингиз ҳақида гапирсангиз.

— Орзу-мақсадларим кўп. Инсон бир ютуқни қўлга киритиб тўхтаб қолиши керак эмас. Асосий мақсадларимдан бири таэквондо (ITF) бўйича жаҳон чемпиони бўлиш, мураббийларимнинг ишончини оқлаш. Чет тилларини пухта ўрганишни мақсад қилганман.

— Тенгдошларингизга нима деган бўлардингиз?

— Тенгқурларимга яратилаётган шарт-шароитлардан иложи борича унумли фойдаланинг, шунда барча мақсадингизга эришасиз, дейман.

«Turkiston» муҳбири
Назкат ҚУРБОННИЁЗОВА
суҳбатлашди.

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларнинг юқори савияда ташкил этилаётгани ва спортчиларимиз халқаро мусобақаларда улкан ютуқларни қўлга киритаётгани туфайли дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда спорт кенг ривожланганини эътироф этмоқда.

XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига дастлабки олтин медални эркин кураш устаси Бекзод Абдурахмонов тақдим этди. Унинг жамоадоши Рашид Курбанов ва юнон-рум кураши устаси Рустам Аскалов ҳам ўз вази тоифасида барча рақибини мағлубиятга учратиш, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Канозда эшак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньковнинг натижалари қитъамизнинг кўплаб спортчилари учун орзуга айланди. Моҳир спортчимиз фаолияти давомида кетма-кет учинчи мартаба Осиё ўйинлари ғолиби бўлди. Таэквондочи Жасур Бойқўзиев, байдаркада эшак эшиш бўйича Алексей Мочалов ҳам Осиё ўйинлари ғолиби бўлди.

— Халқаро майдонларда туғилиб ўсган Ватани шаънини ҳимоя қилиш ҳар бир спортчи учун катта шараф, — дейди Ж.Бойқўзиев. — Спортни ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишимиз, халқаро майдонларда юксак галабаларга эришиши-

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



ЎЗА фотомухбири Отабек МИРСОАТОВ олган сурат

миз учун зарур шароит ва имкониятларни яратиб бераётган, биз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатаётган Президентимиздан беҳад миннатдоримиз.

Инчеонда эришилган натижалар асносида мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самара бераётгани намоён бўлди. Бадий гимнастикачиларимиз Жамила Раҳматова, Рафиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюковадан иборат жамоамиз Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида олтин медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Енгил атлетикачиларимиздан Светлана Радзивил баландликка сакраш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатиб,

фаолияти давомида кетма-кет иккинчи бор Осиё ўйинлари ғолибига айланган бўлса, еттикураш баҳсларида Екатерина Воронина тенгсиз эканини исботлади.

— Нуфузли мусобақаларда эришаётган натижаларимиз замирида Президентимиз Ислон Каримов томонидан спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мужассам, — дейди Екатерина Воронина. — Инчеонда қўлга киритган галабамни 2016 йили Рио-де-Жанейрода ўтказиладиган XXXI Олимпия ўйинларида ҳам такрорлашга боркуч ва имкониятимни сафарбар этаман.

Осиё ўйинлари ўзбек бокс мактаби вакиллари учун ҳам омадли бўлди. Бокс бўйича терма жамоамиз аъзоларида Шохобиддин Зоиров ва Исроил Мадримов ўз вази тоифасида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса,

Ойбек Мамазулунов ва Мирзохид Абдуллаев бронза медаллар билан тақдирланди.

Полвонларимиз Дилшод Турдиев ва Бесиқи Салдадзе юнон-рум кураши баҳсларида кумуш ва бронза медалларни қўлга киритган бўлса, Ихтиёр Наврўзов ва Умид Исманов эркин кураш беллашувларида учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақанинг дзюдо бўйича баҳсларида иштирок этган Дилшод Чориев кумуш медални қўлга киритди. Мирзохид Фармонов, Рамзидин Саидов ва Абдулла Тангриев учинчи ўринни эгаллади.

Спорт гимнастикаси усталари Антон Фокин, Абдулла Азимов ва Оксана Чусовитина, таэквондочилар Никита Рафалович, Дмитрий Шокин, Максим Рафалович, каратэ устаси Барно Мирзаева, байдаркада эшак эшиш бўйича Эрнест Эрназаров, енгил атлетикачиларимиз Леонид Андреев, Александра

Котлярова ҳам делегациямиз ҳисобига кумуш медаллар келтирди.

Спортчиларимиздан Иван Зайцев, Юлия Тарасова, Надия Дусанова енгил атлетика баҳсларида, Анастасия Сердюкова бадий гимнастика бўйича, Улуғбек Алимов, Сардорбек Дўсмуродов ва Маҳлиё Тоғаева оғир атлетика баҳсларида, Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропиндан иборат жамоамиз байдаркада, Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев жуфтлиги канозда эшак эшиш бўйича, Фофуржон Зоҳидов ва Шаҳбоз Аҳатов каратэ баҳсларида, Денис Истомин, Санжар Файзиев, Фаррух Дўстов ва Темура Исмоиловдан иборат терма жамоамиз теннис бўйича жамоавий беллашувларда Осиё ўйинларининг бронза медалларини қўлга киритди.

Маросимда Ўзбекистон

тон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири С.Сайид ва бошқалар спортчиларимизни Осиё ўйинларидаги юксак муваффақияти билан табриклаб, келгуси нуфузли мусобақаларда омад тилади.

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Марс Қўчқоров, спортчилар Бекзод Абдурахмонов, Жамила Раҳматова, Жасур Бойқўзиев, Светлана Радзивил ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримовга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатаётган доимий эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Байрам
АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири**

Harakat ko'zgusi

Саволларга мутахассислар жавоб берди

Фарғона вилоятидаги «Ёшлар маркази»да «Камалак» болалар ташкилотининг шаҳар ва туман раислари учун ўқув-семинари ташкил этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши томонидан ўтказилган мазкур семинарда болалар ташкилоти раисларининг ёшлар билан ишлашда билим ва тажрибаларини ошириш, ишни тўғри ташкил этиш, Ҳаракатнинг раҳбар ва ижро органларини шакллантириш хусусида сўз борди.

Семинар давомида «Камалак» бо-

лалар ташкилоти раисларининг билими ҳам синовдан ўтказилди.

Уч кун давом этган ўқув-семинарда «Ишни тўғри ташкил этишда мониторинг ҳамда таҳлилларнинг ўрни ва аҳамияти», «Раҳбарнинг етакчилик психологияси», «Жамоатчилик билан алоқалар», «Ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни «оммавий маданият» ва турли салбий иллатлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш масалалари» каби мавзуларда давра суҳбатлари ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа мутахассисларидан жавоб олди.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА

Лойиҳалар асосига тадбиркорликка қадам

Чилонзор туманида 1-Тошкент педагогика коллежи ҳамда 1-республика тиббиёт коллежи ўқувчилари иштирокида «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларининг тақдироти бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши масъул ходимлари иштирокида ташкил этилган тақдиротда уч юз нафардан

ортик ёш тадбиркор иштирок этди.

Тадбирда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Мирзо Орипов семинар иштирокчиларига тадбиркорлик ва бизнес фаолияти, тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ўтказилаётган лойиҳалар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган битирувчилар ўзларини қизиқтирган барча молиявий хизматлар бўйича ҳам керакли маълумотларга эга бўлди.

Искандар ҒАФУРОВ

Mulohaza va taklif



Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси

**сиёсий-ҳуқуқий билимларни
мустаҳкамлашга хизмат қилади**

Президентимиз Ислоҳ Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саммитининг 2010 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида инсоният тараққиётини таъминлайдиган муҳим масалалардан бири — таълим-тарбия соҳасида Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва унинг натижаларини алоҳида таъкидлади. Жумладан, мамлакатимизда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани (дунёнинг энг илғор мамлакатларида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди), Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муваффақиятли амалга оширилгани ҳамда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилгани мажлис иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Дарҳақиқат, таълим-тарбия масаласи ҳар қандай замон ва маконда долзарб ҳисобланган. Инсоният шу кунга қадар нимаики ютуққа эришган бўлса, маърифат туфайли эришган. Мазкур мумтоз тушунчага қадрият сифатида қараб, унга амал қилган халқлар юксакликка кўтарилган.

Дунёнинг турли мамлакатларида ғоялар, фикрлар кураши кечаётган, интеллектуал салоҳият ҳар қандай қуролдан афзалроқ кучга айланиб бораётган XXI асрда илму маърифат, маънавиятга бўлган эҳтиёж янада ортди. Хусусан, бошқа илмлар қатори кишиларнинг ҳуқуқий билимларга бўлган талаб ва эҳтиёжи юкса-

либ борди. Ахир, бугунги кунда ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган, керак пайтда талаб қила олмайдиган инсон исталган соҳада ютқиши тайин. Шу билан бирга сиёсий саводхонлик, теваарак-атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга эркин муносабат билдира олиш қобилияти (бунинг учун ҳам мустақил фикр, дунёқараш бўлиши керак) ҳам кишини ҳаётда ўз мақсадлари сари дадил бошлайди.

Бугун мамлакатимизда ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан етук инсонлар бўлиб камол топишига, хусусан, ҳуқуқий ва сиёсий билимларни пухта эгаллашига катта эътибор қаратилмоқда.

Юртининг эртанги кунини белгиловчи ёш авлоднинг мамлакат қонунчилиги, амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни пухта билмоғи муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунёда «ёшлар парламентаризми» деб номланган нодавлат нотижорат ташкилотлар ривожланиб бормоқда. Хусусан, Германия, Литва, Польша, Эстония каби давлатларда ёшлар парламентлари мавжуд. Мазкур парламентларнинг асосий вазифаси ёшларга оид давлат сиёсатини тушунтириш, Парламент томонидан қабул қилинаётган янги қонунларнинг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниш жараёнида бевосита ёшларнинг кенг иштирокини таъминлаш, уларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бўлиб, бундай «Ёшлар парламенти»ни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси қошида халқимиз менталитетига мос тарзда ишлаб чиқиш ва ташкил этиш ҳам мумкин. Бу юртимиз ёшларининг ҳуқуқий билимларини ошириш билан бир қаторда қонун ижодкорлиги соҳасидаги янгиликларни ҳудудларда кенг жамоатчиликка етказишда муҳим институт сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг алоҳида ўрни бор. Агар Ҳаракатнинг вилоят кенгашлари қошида «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхонаси» ташкил этилса, ёшларга ўз манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаб етишга кўмаклашилади. Қолаверса, маалаки юридик хизматга эҳтиёжи бор ёшлар учун бепул хизмат кўрсатиш имконияти юзага келади.

Ёшлар қобилияти ва ташаббусларини қўллаб-қувватловчи қатор грант дастурларини фаоллаштириш, қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларини кўпайтириш, мамлакат иқтисодиёти ривожини ёшлар интеллектуал захиралари билан узвий боғлаш ва ундан тўлиқ фойдаланиш сиёсий-ҳуқуқий саводхонликни оширишга қаратилган ислохотлар жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

**Хушвақт ҲАЙИТОВ,
Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси**

Bandlik dasturi — amalda

Комеждан комбинатга

Мамлакатимизда касб-хунар коллежларини битираётган ёшларни ўз мутахассисликлари бўйича иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш учун кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда уч томонлама шартномалар алоҳида ўрин тутмоқда.

Ушбу шартномалар Навоий кончилик коллежидан ҳам тизимли бажарилмоқда. Коллеж ўқувчилари ўқув йили давомида ўз мутахассисликлари бўйича зарур билимларга эга бўлиш ба-

робарида, Навоий конметаллургия комбинати бўлинмаларида ҳам амалиёт ўтамоқда. Ҳар йили мазкур коллежни ўн тўртта йўналиш бўйича минг нафарга яқин ўқувчи битириб, улар-

нинг саксон фоизи комбинат бўлинмаларига ишга жойлашяпти.

Жорий йил Навоий кон-металлургия комбинатига бириктирилган ўнта касб-хунар коллежини 3231 нафар йигит-қиз тамомлади. Айни пайтда уларнинг саккиз юз нафарига яқини комбинат тизимига ишга қабул қилинди. Битирувчиларни иш билан таъминлашда Навоий машинасозлик заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси етакчилик қилмоқда.

Мазкур бирлашмада ёш кадрларни тайёрлаш базаси ҳам яратилган. Бу ерда Навоий давлат кончилик институтининг «Машинасозлик технологиялари» кафедраси филиали ташкил этилган. Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган аудиторияларда талабалар назарий билим олиш билан бир қаторда, амалий кўникма ҳам ҳосил қилиб боради.

**Отабек АСЛОНОВ,
«Turkiston» мухбири**

Qadriyat

Тарбияда манаффорус бўлмас...

Ҳар қанча фахрланса арзигулик урф-одат ва миллий қадриятларимиз бор. Уларда ўзбек халқига хос турмуш тарзи, орзу-умид ва интилишлар акс этиб туради.

Оилада ота-онанинг ўзаро муносабатларини, ота билан қиз ёки ўғил, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги муносабатларни олайлик. Уларнинг ҳар бири алоҳида «одоб-ахлоқ кодекс»лари асосида шаклланди. Рисоладагидек оилада ота нозик масалаларда, масалан, қизни турмушга беришда, (истисно ҳолатларни ҳисобга олмаганда) қизга тўғридан-тўғри муурожаат қилмайди. Қизнинг отага муносабати ҳам чуқур ҳурмат-иззат ва андиша асосида қурилган. Ота фикрини қиз онаси орқали билиши, қизининг орзу-мақсадлари эса отага аёли орқали етказилиши тарбиянинг юксак намунаси. Оила аталмиш қадриятлар кўрғонидан фарзандлар ана шундай андиша, одоб меъзолига амал қилган ҳолда улғаяди.

Дунё глобаллашув жараёнини бошдан кечирган XX асрда инсониятга қуролланиш пойғаси хавф солган бўлса, янги асрда «оммавий маданият» деб аталмиш бало раҳна солмоқда.

Кечагидай эсимизда, ўтган асрнинг охирида «Бойлар ҳам йиғлайди» сериали шов-шув бўлган эди. Унинг ҳар бир қисмини сабрсизлик билан кутиб, берилиб томоша қилардик. Сўнг бундай сериалларнинг кети узилмай қолди. Энди билсак, бу «лойқа сел» ёшлар маданий онгининг тўғри шаклланишига жиддий салбий таъсир кўрсатиб, «Сен эркинсан, ёшликда айшингни сур, кўнглинг тусаган ишни қил, «беш кунлик» дунёда еб-ичиб, ўйнаб-қулиб қол» деган захарли чорловлар билан уларни худбин қилиб, тўғри йўлдан оздирар экан.

Бу иллатларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва унинг таъсирини кўриш учун узоққа бориш шарт эмас, ён-атрофга теранроқ назар солсак, кифоя. Калта иштон, майка, бошга шляпа кийиб, маҳалла гузарига чиққан акахон; ота-онаси овқатланиш учун берган пулга ярим яланғоч қизлар ёки жангари «қаҳрамон»ларнинг сурагини сотиб олаётган ўспирин; никоҳ тўйида қўлидаги гулдастани орқага қарамай отиб юбораётган келин ва бу гулдастага ҳаммининг кўз олдида талашаётган қизларнинг аҳволи каби хунук манзаралар... Болаимизнинг тунда санқиб юриши, неварамизнинг зўравонлик, бешафқатлик, жоҳилликни тарғиб қиладиган айрим компьютер ўйинларига муккасидан кетаётганига қандай бепарво қараш мумкин?

Ярим яланғоч, очиқ-сочиқ кийимдаги қўғирчоқларнинг бола тарбиясига салбий таъсири, бўяш учун чиқарилган альбомлардаги расмлар орқали илгари сурилаётган беҳаёлик фалсафаси, андишасизлик, ахлоқсизлик ғояси сингдирилган ҳар қандай ҳолатга бефарқ бўлишга ҳаққимиз йўқ!

Ёшларимизни бу балодан асраш, уларни комил инсон этиб тарбиялашда аждодларимиздан мерос урф-одат, гўзал анъана ва миллий қадриятларга суянишимиз қутулган самарани беради. Истаймизми, йўқми, ёшларга интернет, мобиль алоқа воситалари орқали яхши-ёмон ахборот оқими келиб турибди. Қайси манба холис, қайси манбада нима тарғиб қилинаётганини биз, катталар ҳар биримиз ўз ўрнимизда фарзандларимизга мунтазам уқтириб боришимиз лозим. Зеро, тарбияда танаффус йўқ.

**Алижон АЗИЗОВ,
Наманган вилояти ўлкашунослик музейи
директорининг ўринбосари**

Sport



МАФТУНА — ТАНЛОВ ФОЛИБИ

«Туркистон» саройида спортчи қизлар ўртасида «Шарқ яккакурашлари маликаси — 2014» анъанавий кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган танловда спортчи қизлар спортнинг турли йўналишларида ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизлар, айниқса, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, уларнинг ўз истеъдодини намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази томонидан ҳам му-

айян ишлар амалга оширилаётир. Натижада ўзбек қизларининг қитъа ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи ошиб бормоқда.

Кўрик-танловда қизларнинг маънавий-маърифий, санъатга оид билим ва маҳорати, пазандалик санъати ҳамда кийиниш маданияти синовдан ўтказилди.

Таэквондочи Мафтуна Худоёрова «Шарқ яккакурашлари маликаси» деган шарафли номга сазовор бўлди. Ушу бўйича спорт устаси Камола Курбонова иккинчи, дзюдо бўйича халқаро мусобақалар совриндори Амина Мамедова учинчи ўринни қўлга киритди. Ўзбек жанг санъати усталари Мафтуна Туева ва Зарнигор Нуриллаева, пенчак силат бўйича мамлакатимиз чемпиони Зулфия Розикова турли номинациялар бўйича фолибликни эгаллади.

**Жавохир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири**

Inson va tabiat

Ўлкамиз ҳайвонот дунёси

Табиятда ҳар бир жонivor ўз ўрнига эга. Масалан, бойғилни омайлик. Бу кўш сайраб қолса, «Ҳа, бойғил сайрайпти, эртага бирор ноҳуш воқеа бўлади», дея ўзича «фол» кўриувчилар ҳам топилди. Холдўки, сал-пал галайтироқ, товуш чиқариб сайрагани билан, бойғил жуда фойдали кўш. У асосан келинчиларга (сичқон, каламўш) қирон келтиради. Ёки судраливлар ҳақидаги афсоналарни айтинг. Биргина илон тўғрисидагиси қанча? Аслида, уларнинг ҳам табиятда ўз ўрни, вазифаси бор.



Илон, калтакесак, тошбақа, тимсоҳ... Бу жониворлар қачон пайдо бўлганини биласизми? Мутахассисларнинг аниқлашича, уларнинг барчаси 300 миллион йиллар олдин сувда яшаган. Аста-секинлик билан қуруқликда пайдо бўлган. Бугунги кунда судралиб юривчиларнинг олти мингга яқин тури бўлиб, улар тангачалилар, тошбақалар ва тимсоҳлар туркумига бўлинади.

Ҳисор кўрикхонаси ҳудудида судралиб

юривчи ҳайвонлардан 15 тури мавжуд бўлиб, улар 2 туркум ва 8 оилага мансуб. Жумладан, Олой илонқуйруғи, Туркистон агамаси, қалқонтумшук, кулвар, қизил чизиқли ва гулдор чипор илон турлари яшайди. Тангачалилар туркумига ҳар хил калтакесаклар ва илонлар кириди. Бизнинг чўлларида калтакесаклардан дашт агамаси, кулранг эчкимар ва оёқсиз калтакесак, сариқ илон учрайди. Мамлакатимизнинг чўл

ва адирларида Ўрта Осиё тошбақаси кенг тарқалган. Қизилқум, Устюрт ва Амударё кумлоқларида кум бўғма илони, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида узунлиги 170 сантиметрдан 2 метргача етадиган капча илон, Ташкент, Самарқанд вилоятлари тоғ этаклари, Мирзачўл ва Хоразм чўлларида қалқонтумшук илон яшайди.

**Зарнигор
АБДУМАЛИКОВА
тайёрлади.**

Ҳидойатлик эътирофи

Нилуфар Холиқова Чирчиқ шаҳридаги умумтаълим мактаблари информатика фани ўқитувчилари методбирлашмаси раҳбари, шаҳар ва Тошкент вилояти миқёсида ўтказилган тадбирлар, жамоат ишларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Жонқуяр юртдошимизнинг кўп йиллик педагогик фаолияти муносиб баҳоланди. Бу йил ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида Халқ таълими аълочиси бўлди. Ҳозир Чирчиқ шаҳридаги 15-умумтаълим мактабида математика ва информатика фани ўқитув-



чиси сифатида ёш авлодга таълим бериб келаётган устоз иш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиб, таълим сифа-

тини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Рустам Назарматов фотолавҳаси

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Машҳур ўзбек боксчиси Муҳаммадқодир Абдуллаев финалда қайси давлат спортчисини мағлуб этиб, Олимпиада ўйинларининг шохсуласига қўтарилган?

Жавобингизни **17 октябрь** соат **16:00**га қадар **233-79-69, 233-95-97** телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:
Бухоро.
Олтинсой туманидан Муяссар Иброҳимова тўғри жавоб йўллади.

YONDAFTARCHANGIZGA

Нафнинг агар халққа бешакдурур
Билки, бу нафъ ўзунга кўпракдурур.

Алишер Навоий